

# O'ZBEKISTON



# OVOZI

IJTIMOY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2003-YIL ■ 16-DEKABR ■ SESHANBA ■ 147 (27.167) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

## Баркамол авлод орзуси



Хоразм, Самарқанд, Бухоро — ушбу қадим меъморчилигимизнинг нодир дурдоналари ўнлаб асрларки, инсониятни хайратлантириб келмоқда. Бу мозий ҳақиқати. Бугун Хоразмда боболар аъналарини давом эттириш, уларни замон нафаси билан янада бойитиш йўлида кат-

## ИЛМ КЎПГА ЕТКАЗАР, ҲУНАР ЭСА КЎККА

Буни англаган Урганч қурилиш касб-хунар коллежи жамоаси етук кадрлар тайёрлашда ибратли ишларни амалга оширмоқда

хунар коллежи ўқитувчилари битирувчилар сонига эмас, уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.  
Коллежда ўн та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Қурилиш пардоз, умум қурилиш, дурадгорлик соҳасини пухта эгаллаган ёшларга эҳтиёж ортмоқда.  
Коллежининг иккита замонавий ўқув биносидан жойлашган фан лабораториялари, кутубхона, касб танлаш кабинети, услубий марказ, спорт зали, компьютер хоналар бўлгуси қурувчилар хизматига.

— Биз асосий эътиборни Хоразм меъморчилиги мактабининг унутилиб кетган қирраларини қайтадан тиклашга қаратаймиз. Бугун дунёга донги кетган Хиванинг ҳар бир гишти ортида халқ донолиги, халқ усталарининг бетакрор услуби, меъморчилик сир-синоатлари яширинган. Уларни излаб топиш, ёшларимиз қалбига миллий меъморчилигимизга меҳр уйғотиш бугун қурилайтган истиклол иморатларининг абадийлигини таъминлайди, — дейди коллеж директори, фан номзоди, Олий


Мажлис депутати Ибодулло Бойжонов.  
Донлар айтилади:  
**Инсоннинг қиммати эмас сийму зар.**  
**Инсоннинг қиммати илм ҳам хунар.**  
**Фаррух ҲАМРОЕВ**  
Суратларда: 1. Коллеж умумий кўриниши. 2. Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари Ҳайитбой Абдуллаев талабалар даврасида. 3. Коллеж талабаси Зокир Отахонов.  
**Шавкат АКРАМОВ**  
олган суратлар

## ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАМДАРДЛИК ИЗҲОР ЭТДИ




Озарбойжон халқи оғир жудоллик учради. Мамлакатнинг собиқ Президенти Ҳайдар Алиев 81 ёшида ҳаётдан кўз юмди. У АҚШнинг Огайо штати Кливленд шаҳридаги шифохонада вафот этди.  
Ҳ.Алиев Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатларини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбоби, моҳир сиёсатчи эди.  
15 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Озарбойжоннинг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюриб, халқимиз ва ҳукуматимиз номидан ушбу давлат халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Хотира китобига ҳамдардлик сўзларини ёзди.  
Ҳ.Алиев 1923 йил 10 майда Нахичеванда туғилган эди. У 1969 йилнинг июлида Озарбойжонга раҳбар бўлди.  
Озарбойжонда мураккаб йилларидаги ислохотларни ҳам Ҳ.Алиев бошлаб берган эди. 1993 йилнинг 3 октябрида Президент этиб сайланган, мамлакатда ижтимоий-сиё-

сий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётга асос қўйилди, халқ тотувлиги мустаҳкамланди. 1998 йилнинг 11 октябрида у яна сайловда ғолиб чиқиб, президентлик фаолиятини давом эттирди.  
15 декабрь кuni Бокуда Ҳ.Алиев билан вилоятнинг маросими бўлди. «Республика» саройига ўн минглаб одам, қатор мамлакатлардан ҳукумат делегациялари келди.  
Озарбойжонда Ҳ.Алиев вафоти муносабати билан етти кунлик мотам эълон қилинди.  
Озарбойжон Миллий мажлиси (парламент) халққа мурожаат эълон қилиб, Ҳ.Алиев бошлаган ишнинг унинг ўлими — Президент Ислам Алиев атрофида жипслашиб давом эттиришга даъват этди. Парламент вакиллари, Ҳ.Алиевга энг яқин ёдному у бошлаган ишнинг муносиб давом эттиришдан иборат, деб ҳисобламоқда.  
**(ЎзА)**  
Суратда: таъзия билдириш пайти.  
Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган сурат



## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Тошкент вилояти. (ЎзА мухбири Л.Сувонов). Ўзбекистон Республикасининг «Давлат чегараси тўғрисида»ги қонунининг ижроси, мамлакатимиз чегараларининг дахлсизлиги ва ҳудудий барқарорлигини таъминлаш, республикамизга моддий-товар бойликларини ноқонуний қиритилиши ва олиб чиқиш кетилишининг олдини олиш борасида вилоятда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.  
Шунга қарамай, йилнинг ўтган даври мобайнида контрабанда йўли билан олиб килинган бир миллиард 410 миллион сўмлик маҳсулот мусодара қилинди ва қонунбузарлардан 50 миллион сўмдан ортиқ жарима ундирилди. Шунингдек, уч ярим мингдан зиёд киши маъмурий, 500 дан ортиқ қонунбузар эса жиноий жавобгарликка тортилди.  
Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдаги сессиясида ана шу масалалар атрофида муҳокама қилинди. Уни вилоят ҳокими У.Мирзақуллов бошқарди.  
Шунингдек, сессияда вилоятда солиққа оид қонунчиликка риоя этиш тўғрисида ҳам сўз борди. Утган даврда маҳаллий бюджетнинг истиқболдаги режаси 101 фоизга бажарилди. Натижада режадан ташқари тузилган 365 миллион сўм ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланди.  
Вилоятда йилнинг тўққиз ойи мобайнида текширилган уч мингдан ортиқ корхонанинг 80 фоизи солиқ қонунчилигига тула риоя қилмаётгани аниқланган.  
Йилгилишда бу борада йўл қўйилган камчиликлар атрофида муҳокама этилди. Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



## ОҚСОҚОЛ ИШИГА ЮҚОРИ БАҲО

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги Чарх Комолон маҳалласида фуқаролар ҳисобот-санолат йиғини бўлиб ўтди.  
Шу вақтга қадар маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) Лавозимда ишлаб келётган Зоҳид Атаматов ўз фаолияти давомида амалга оширилган ишлар хусусида ҳисобот берди.  
Оқсоқол икки ярим йил мобайнида маҳалладаги кам таъминланган оилаларга бюджет маблағлари ҳисобидан 3891855 сўм, 18 ёшгача фарзандлари бор оилаларга 8305901 сўм, икки ёшгача фарзанди бор оналарга 8856318 сўм моддий ёрдам кўрсатилиши таъминланганлиги, кам таъминланган 10 та оилага моддий ёрдам сифатида табиий газ ҳақининг тўлаб берилганлиги, маҳаллада ободлаштириш, кўчаларнинг таъмир-тириш ишларининг олиб борилганлиги, маҳаллада ўтказилган турли сиёсий ва маънавий-маърифий тадбирлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.  
Йиғинда иштирок этиб, сўзга чиққан шаҳар ҳокими Р. Шоабдураҳмонов маҳаллада амалга оширилган ишларга юқори баҳо берди.  
Очик овоз бериш йўли билан ўтган сайловда З.Атаматов қайтадан Чарх Комолон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) этиб сайланди.  
**Ширмоноӣ АСРАНОВА**

## САМАРҚАНД САЙҚАЛИ ИЗИДАН... ЯПОН ТЕХНОЛОГИЯСИ

Японияда чоп этиладиган «Санкей Шимбун» газетасининг сўнгги сонларидан бирида мамлакат олимларининг Ўзбекистондаги тарихий обидаларга оид янги тадқиқоти тўғрисида мақола эълон қилинди. Унда қайд этилишича, Нагасаки префектурасидаги Ҳасами шаҳарчасида ташкил этилган илмий кўмита аъзолари Ўзбекистондаги қўнра шаҳарларнинг меъморчилик аъналарини яқиндан ўрганишмоқда.  
Дарҳақиқат, ЮНЕСКО томонидан жаҳон мероси сифатида эътироф этилган мазкур шаҳарлардаги меъморчилик ёдгорликлари нафақат ташқи кўриниши, балки ички тузилиши ва таркиби жиҳатидан ҳам бетакрордир.  
Бундан қарийб 600-700 йил муқаддам кашф этилган биноларга сайқал бериш усуллари бугунги кунга келиб, афсуски, тилсимотга айланган. Осори-атикаларнинг устки қатламдаги «Samarkand Blue» номи билан мовий ранг сопол нақшлар кимни ҳам лол қолдирмаган дейсиз. Юртимизга хориждан ташриф буюрган ҳар қандай давлат арбоби, сайёх, олим, ишбилармон Самарқанд сайқалидан, осмонга туташ мовий гўмбазлару, викорли мадрасаларидан хайратга тушиши мукаррар. Жорий йилнинг августида Нагасакида ташкил этилган янги илмий кўмита айна «Samarkand Blue» номи остида ўз фаолиятини бошлади. Бу ишга нафақат Нагасаки, балки Фукуока ва Сага префектуралари олимлари ҳам киришган. Улар орасида ёш олимлар, кулолчилар, рассомлар, сураткаш ва ҳукумат ташкилотлари вакиллари бор. Кўмитага Япония олимларининг етакчиларидан бири Ш.Тақашима раислик қилмоқда.  
Беши йил муқаддам Ш.Тақашима Ўзбекистондаги тарихий биноларни қайта таъмирлаш масаласи билан яқиндан танишиб, Нагасаки ҳудудида оқ ва мовий ранг сопол тайёрлаш тажрибасини ўрганишга киришган.  
Айни пайтда, кўмита аъзолари Ўзбекистондан қўнра сопол туркибоннинг нақш парчаларини Японияга келтириб, уларни тарихий жиҳатдан таҳлил қилишни бошлаган.  
— Кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг натижаларини ҳаётга татбиқ этишни мақсад қилганмиз. Олдимизда ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина, — дейди жаноб Ш.Тақашима. — Самарқанднинг асл сайқалини ва фуқунор жамолини қайта таъмирлаш борасида олиб борилаётган халқаро ҳамкорликка муносиб ҳисса қўиши ниятидамыз.  
Япония олимларининг бу соҳада янги технологияни яратиш сари олиб бораётган тажрибалари ҳақида чоп этилган махсус мақола «Санкей Шимбун» ўқувчилари томонидан қизгин кўтиб олинди.  
**Беруний АЛИМОВ,**  
**«Жаҳон» АА,**  
Япония.

Дилрабо Бобоқуллова Қамаш туманидан. Ногиронлик Дилрабонинг қисмати бўлди. Аммо, у қисматга қасдмақсад яшайди. Унинг метиндек иродаси яшашга бўлган иштиёқини янада кучайтирди. У ўзининг мурғак жуссаси билан ҳаётга, яшашга ҳамда мустақил Ватанимизга меҳрмуҳаббат билан хизмат қилишга интилди.

## ДИЛРАБОГА ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ

Дилрабо Бобоқуллова ўзи мустақил ёзишни, ўқишни ўрганди. Аммо унинг кўллари ўзига бўйсунмади. Дардларини, ортиқ-истакларини оқ қоғозга тўқди. Кўллари ўзига бўйсунмаган пайтда онажони ва яқинларини кўришга шёрлар оқ қоғоз юзини қурди. Дилрабо Бобоқуллованинг бир қатор шеърий китоблари ўз ўқувчиларини топди. Шеърли бустонида у ҳам бир чечак каби гўнча очди. Унинг шеър китоблари ўз ўқувчиларини топди. Унинг кўнгил тугўнлари, дил дардлари «Дилга сизмас дардим баён», «Кўнгил мевалари», «Ҳасратли умр», «Бир эмас, минг кам дунё» китобларида ифода этилган.  
Яқинда Дилрабога Юртбошимизнинг совғаси топширилди. Совғани вилоят ҳокими Н.Зайниев топширди. Бу эътибордан Дилрабонинг боши кўкка етди. Бу меҳр-муруват уни янада ишонч билан кўпроқ ижод қилишга қорлайди.  
**«Туркистон-пресс»**

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 16 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун қорғий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги кўчмани белгилади.\*

|                         |         |                        |         |
|-------------------------|---------|------------------------|---------|
| 1 Австралия доллари     | 723,66  | 1 Польша злотийси      | 257,05  |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1705,45 | 1 СДР                  | 1434,46 |
| 1 Дания кронаси         | 161,64  | 1000 Туркия лираси     | 0,69    |
| 1 БАА дирҳами           | 266,52  | 1 Швейцария франки     | 769,17  |
| 1 АҚШ доллари           | 978,85  | 1 ЕВРО                 | 1194,49 |
| 1 Миср фунти            | 159,03  | 10 Жанубий Корея воени | 8,27    |
| 1 Исландия кронаси      | 13,34   | 10 Япония иенаси       | 90,66   |
| 1 Канада доллари        | 742,57  | 1 Россия рубли         | 33,14   |
| 1 Хитой юани            | 118,26  | 1 Украина гривнаси     | 183,58  |
| 1 Малайзия рингити      | 257,63  |                        |         |

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарнинг ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар «СОБИҚ ТУЗУМГА САДОҚАТ НАМУНАСИ...МИ?»

Газетамизнинг 18 ноябрь сонидан ушбу сарлавха остида эълон қилинган мақолада В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирилмаси Давлат акционерлик жамияти расмий бланкиси (ҳос иш қоғози)да ҳамон Ленин, Октябрь революцияси ва Меҳнат қизил Байроқ орденлари тасвири турганлиги танқид қилинган эди.  
Қуни кеча Давлат акционерлик жамияти Бошқаруви раиси В.М. Кучеров тасдиқлаган, бошқарув котиби Ш.Шарипов имзо чеккан жавоб хатини олди. Унда мақола Бошқарув мажлисида муҳокама этилиб, қарор қабул қилингани айтилади.

Қарорда жумладан шундай дейилган:  
— В.П. Чкалов номли «ТАИЧБ» ДАЖ бўйича буйруқ билан корхона бланкисининг эски нусхаси бекор қилинганлиги инobatга олинсин.  
Ижтимоий-маиший масалалар бўйича раҳбари Раҳманов А.В. га корреспондент ишлар бўйича назорат бўлаштириб юборилганлиги кўрсатиб ўтилсин. Ушбу ҳолат қайтарилмаслиги учун чоралар кўрилиб, хизмат бўйича буйруқ билан айбдор шахслар жазолансин.  
Корхонанинг юқори тизими барча раҳбарларига ташқи структуралар билан муомалада корхонанинг эски бланкаларидан фойдаланмаслигига алоҳида эътибор берилсин».

## «ДУНЁ» ДУНЁГА ЧИҚМОҚДА

Қаршидаги «Дунё-М» очик турдаги ҳисдорлик жамияти бир кунда 500 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда ўрнатилган замонавий технологиялар юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда.  
«Узинтеринтекс» компанияси билан имзоланган шартномага кўра корхона махсус-

лотлари хорижга чиқа бошлади. Битимга биноан 20 минг тонна ун ва 50 минг тонна бугдой кўшни Афғонистон ва Тожикистон давлатларига жўнатилади. Ҳозиргача 6 минг тонна маҳсулот экспорт қилинди.  
**Юнус УЗОҚОВ**

## Анжуман

## НОГИРОНЛИК ВА ИЖТIMOЙ МУҲОФАЗА

Ҳозир мамлакатимизда 800 мингдан зиёд ногирон бор. Уларнинг 229 мингдан кўпроги болаликдан ногирон бўлиб қолган кишилардир. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга энг муҳтож қатламини ташкил этувчи бу инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатлари мамлакатимиз Конституциясида, шунингдек қатор қонунларда белгилаб қўйилган. Энг аввало шунга айтиш керакки, мамлакатимизда даволанш-профилактика муассасалари ва турли ташкилотлар томонидан ногиронликнинг олдини олишга қаратилган мақсадли ишлар изчил амалга оширилмоқда. Натижада кейинги йилларда ногиронларнинг тула ёки қисман тикланиши ўртача 2-2,5 баравар кўпайди.  
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий

муҳофаза қилиш вазирлигида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот ходимлари иштирокида бўлиб ўтган брифингда бу ҳақда батафсил маълумот берилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазири Оқилжон Обидов аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати экани ҳақида сўз юритаркан, айни пайтда вазирлик тасарруфидда 34 та тиббий-ижтимоий муассаса борлиги ва уларда қарийб 8 минг ёлғиз қария ва ногиронлар тулки

давлат таъминотида яшаётганини таъкидлади. Бундан ташқари ногиронларга 6 та санаторийда бепул даволаниш имконияти яратилган. Бу имкониятдан ҳар йили 28 минг пенсионер ва ногиронлар фойдаланаяптилар.  
Шунингдек, вазирлик раҳбарияти ва мутасаддилари томонидан, бандлик хизмати, меҳнат бозорига оид маълумотлар ҳам берилди ва журналистларни қизиқтирган қўллаб-қувватлашга жавоблар қайтарилди.  
**Бобо САРОЙ**

**ХАЛҚ БАНКИ —**  
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

**БИЗНЕС БАНК**  
ЭНГ ЯХШИ АНЪНАЛАРДА

### ЎЗБЕКИСТОН ҲИНД ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

Мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчиносотида «Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг замонавий босқичи ҳамда ислохотларни чуқурлаштириш истиқболлари» мавзусида брифинг бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон ҳукумати ва парламенти аъзолари, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассислар, хорижий дипломатик ваколатхоналар ҳамда ҳинд оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси И.Мавлонов тадбирини очар экан, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган кенг қўламли ўзгаришлар,

изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига атрафлиқ тўхталди.

Брифинг иштирокчилари эътиборига ЮНИСЕФнинг «Ижтимоий мониторинг — 2003» тадқиқоти бўйича Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларига берилган баҳолар ҳавола этилди.

Тадбирда сўзга чиққан ҳинд олимлари ва жамоат арбоблари Ўзбекистон эришган муваффақиятларини ЮНИСЕФ сингари нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳолаши мамла-

катнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ва обрў-эътибори янада ортаётганидан шаҳодат беришини эътироф этишди.

— Ўзбекистон изчил ва барқарор ривожланиб бораётган мамлакатдир, — дейди БМТ ва ЮНЕСКО билимлар институти директори, профессор С.Баки. — Мамлакатингизни яхши биладиган олим сифатида айтишим мумкинки, ҳоҳ сиёсий, ҳоҳ иқтисодий ёки бошқа соҳаларда бўлсин пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб сиёсат юритиш Ўзбекистонни ўзга мамлакатлардан фарқловчи хусусиятидир. Ана шундай оқилона ва ўзига хос тараққиёт йўли тўғрисида мамлакатингиз кўсқа вақт давомида халқаро майдонда ўзининг мустақам ўрнига ва нуфузига сазовор бўлди.

**Шўхрат УМИРОВ,**  
**«Жаҳон» АА мухбири.**

### ШИФОХОНА УЧУН ХУШҲАВО МАСКАН

Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан беморларга қулайлик яратиш мақсадида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг Асака адири ёнбағридаги пансионати силга қарши кураш вилоят диспансери ихтиёрига берилди. Ҳомийлар ва қурилиш ташкилотларининг кўмағида таъмирлаш тадбирлари амалга оширилди. Кўп қаватли, замонавий бинодо беморлару шифокорлар учун қулайликлар вужудга келтирилди. Жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. 250 миллион сўмга яқин маблаг сарфланди. «ЎзДЭУавто» жамоаси катта ёрдам кўрсатди. «Ингра», «Мустақиллик» фирмалари, 116 ҳамда 4-маҳсус механизациялашган кўча жайламола бинокорлари шидидилдан меҳнат қилдилар.

Асақанинг кўркам, баҳаво масканида замонавий шифохонанинг очилиши вилоятда аҳоли саломатлигини сақлаш, беморларнинг яхши даволанишларига эътибор берилаётганидан далолатдир.

**Аҳмадлло СОЛИЕВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг кўмағи билан мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида «Қорақалпоғистон Республикаси таълим муассасаларида болалар спортини ривожлантириш ва ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда таълим бошқарув органлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги тўғрисида»-ги масала кўриб чиқилди.

Ҳозирда Қорақалпоғистондаги мавжуд 763 та ўрта умумтаълим мактабларида билим олаётган 360 миңдан ортиқ ўқувчи жисмоний тарбия фани машғулотида жалб этилган бўлиб, уларга 1991 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси таъ-

### КУН ТАРТИБИДА — БОЛАЛАР СПОРТИ

лим-тарбия берапти. Мутахассисларнинг 927 нафарини олий, 968 нафарини ўрта махсус, қолганларини эса тўлиқсиз олий маълумотга эга педагоглар ташкил этади. Шунингдек, республикада Халқ таълими вазирлиги тизимида 28 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 2 та спорт клуби ҳамда 1 та футбол мактаб-интернати фаолият кўрсатмоқда. Уларда 456 нафар малакали мутахассис мураббийлигида 131 миң 499 нафар ўқувчи спортнинг 17 тури бўйича ўз маҳоратини оширмоқда. Аини пайтда Қорақалпоғистон Рес-

публикаси мактаблари ихтиёрида 368 та спорт зали, 729 та волейбол, 614 та футбол, 530 та баскетбол, 347 та кўл тўпи майдончалари, 27 та теннис корти ҳамда «Амударё» сузиш соғломлаштириш мажмуалари мавжуд. Йиғилишда мавжуд спорт иншоотларидан фойдаланишнинг бугунги аҳоли, имкониятлари ҳақида сўз юритилди. Жойлардаги болалар спортини муаммолари ва уларни бартараф этиш хусусидаги таклиф ҳамда мулоҳазалар ўртага ташланди.

**Режимбой ЕШИМБЕТОВ**

### Экология:

Ер шарининг ҳарорати сўнгги юз йилликда сезиларли даражада ошганлиги сайёрамиз экологиясига жиддий таъсир этмоқда. Дунё олимларининг таъкидлашича, агар ҳарорат шу зайдла кўтарилишида давом этса, келинги юз йилликда инсоният фалокат сари юз тутиши мумкин. Унутмаслик керак, бу қатъий фикр эмас. Чунки баъзи бир мутахассислар «Ҳароратнинг кўтарилиши ҳалокат эмас, балки илҳобий ўзгаришларга ҳам сабаб бўлиши мумкин», деган фаразларини билдирапти.

Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, Жаҳон Метеорология Ташкилотининг чўлланиш бўйича миллий мувофикаштирувчиси, физика-математика фанлари номзоди Зоҳиджон НОЗИРОВ билан суҳбатимиз ҳам иқлим ва атраф-муҳит муаммолари хусусида борди.

— Сайёрамизнинг иқлими ўзгариб, ҳароратнинг кўтарилиб бориши кузатиляпти. Айтинг-чи, бунинг сабаби нимада?

— Дунёдаги етакчи метеоролог олимларнинг илмий кузатишлари натижада, ўтган асримизнинг иккинчи ярмидан буён иссиқлик 0,6 даража ошганлигини кўрсатяпти.

Хўш, нега иссиқлик кейинги юз йилликда бунчалик тез суратда кўтарилади, деган савол турлича баҳс-мунозараларга сабаб бўляпти. Шунинг учун иссиқлик керакки, ҳарорат сўнгги юз йилликда 0,6 даража ошган бўлса, аввалги юз, миң йилликда ҳам шундай динамика тарзда «кўтарилиш»-«тушиш»лар юз берган. Лекин сўнгги юз йилликдаги «кўтарилиш» қайта пастга тушмаганлиги, аксинча, борган сари ошяпти. Ўтган асрнинг 1910 йилидан 1940 йилгача, 1976 йилдан ҳозирги кунимизгача бўлган оралик энг «иссиқ» давр ҳисобланади. Яна шунини таъкидлаш керакки, ўтган миң йилликда 1990 йиллар энг иссиқ йил бўлиб, 1998 йил эса энг иссиқ йил деб қайд этилди.

— Зоҳид Назировчи, сайёрамиз иқлими нега айнан сўнгги асрнинг иккинчи ярмидан бундай кескин ўзгарибди? Олимлар айтгандай, бунга факат тараққиёт сабаби?

— Шунини таъкидлаш лозимки, ер шарини иқлимнинг бундай кескин ўзгариши — 50-100 йил ёки 200-300 йил ичида содир бўлмайдди, иқлим бир неча асрлар давомида аста-секин ўзгариб, яна меърига қайтиб, яна кўтарилиб боради.

Одатда, иқлим табиий равишда ёки антропоген ўзгаришлар таъсирида ўзгариб туради. Охириги юз йилликда эса табиий ўзгаришларга нисбатан антропогеннинг таъсири шиддат билан илгариллаб кетди. Мана, айтмайлик 2100 йилга бориб дунё бўйлаб денгиз сатҳи 88 сантиметрга кўтарилиши тахмин қилинляпти. Бу нимага олиб келиши тасаввур этиш қийин эмас. Шу ўринда табиатга антропоген таъсир ҳақида тўхталиб ўтайлик. Урмонлар ёнганда, ёқилгидан фойдаланганимизда, автомашиналар ҳаракатида, завод, фабрикалар ишлаб турганда атмосферага иссиқлик газини чиқаради. Ҳаюга диоксид углерод ва метан, сунъий химикатлар — галодуғлерод (ҲФУ, ГФУ, ПФУ) бошқа узоқ ёнғичи газлар, айниқса, гексафторид (SF<sub>6</sub>)лар атмосферада «парник газлар» қатлами»ни ҳосил қилади.

Маълумки, Кўёш энергияси ергача сақланиб ярим минутада етиб келиб, 30

## ИҚЛИМ ВА АТРОФ-МУҲИТ

### ЁКИ САЙЁРАМИЗ ҲАРОРАТИ ОШАЁТГАНИ ВА БУ ҲОЛАТ ҚАНДАЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ ҲАҚИДА

фоиизи ўша захотийёқ орқага-қоинотга қайтиб кетади, 70 фоизигагина Ер юзиди иситилади. Ердан эса ўз навбатида энергия яна қоинотга инфрақизил нурали шаклида қайтиб кетади. «Парник газ»лар ана шу инфрақизил нуралининг Ер юзидан яна қоинотга қайтишига тўсқинлик қилади. Натижада атмосферада «қатлам» ҳосил бўлади, яъни бу асосан — буғ ҳосил қиладиган — диоксид углероди, озон, метан, га-лоди углерод ва бошқа саноят газларидир. Бу газлар атмосферамининг 1 фоизини ташкил этади, шунинг ўзиёқ «табиий парник» ўрнини бемалол боса олади ва сайёрамизнинг ҳароратини 30 даражадан ошириб, бизга хали номаълум оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Биз биламизки, ҳар йили атмосфера, океан, ўсимликлар дунёси ўзаро миллион тонналаб углеродни табиий равишда айланма ҳаракатлантиради. Сўнгги йиллар ичида бу табиий жараёнга саноят ўз таъсирини ўтказди, ди-оксид углерод 10 фоизга ошди. Охириги 200 йилда эса бу кўрсаткич 30 фоизга етди, ҳозирга келиб эса ҳар 20 йилда 10 фоизга ошяпти.

Ҳароратнинг бор-йўғи 1 даражага етар-етмас кўтарилиши Арктика, Гренландия музликларининг эришига, океанларда баҳайбат «муз тоғлар» сузиб юришига, Россияда ернинг қалин қатламлари остидаги музликларнинг эришига, бизнинг минтақамизда эса оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўқимнинг бундай ўзгаришига қарши химия қобилини яратиш учун эса табиий ресурслардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, табиатга ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш тақозо этилади.

— Табиийки, Ер шарини ҳароратини ошириш, бизнинг иқлимимизга ҳам таъсир этади. Хўш, бунинг ўзбе-

### Иқлим ва атраф-муҳит

қисмон табиий-ресурс потенциалига таъсири қандай бўлади?

— Ўринли савол. Маълумки, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини таъминлашга имкон берувчи катта қўламадаги табиий ва ижтимоий-иқтисодий ресурслар мавжуд. Сир эмас, XX асрнинг сўнгги чорағида, муҳитнинг кўпгина табиий ташкил этувчилари (компонентлари) айтиш мумкинки, иқлим, агроиклим, сув-локал, регионал ва планетар омили (факторлар таъсирида сезиларли антропоген ўзгаришларга учрамоқда. Ақсарият ҳолларда бу антропоген ўзгаришлар табиий

майдонларда чўлланиш жараёнини қучайтиради. Чўлланиш муаммоси Марказий Осиёда кучайди, кейинги 20-30 йил ичида яна 100 миң гектарга ошди. Худудимизда туз қўқиларини тезлаштирилади, бутун минтақа бўйлаб табиат ландшафтларини салбий томонга ўзгариради.

Республикамиз табиий-ресурс потенциалининг умумлаштирилган хусусияти ва унга глобал, регионал табиий ва антропоген омилларга боғлиқ иқлим ўзгаришлари салбий таъсир кўрсатиши табиий бир ҳодир. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки,

майдонларда чўлланиш жараёнини қучайтиради. Чўлланиш муаммоси Марказий Осиёда кучайди, кейинги 20-30 йил ичида яна 100 миң гектарга ошди. Худудимизда туз қўқиларини тезлаштирилади, бутун минтақа бўйлаб табиат ландшафтларини салбий томонга ўзгариради.

— Амурдари ва Сирдарёнинг суви 2030 йилгача ҳеч қандай ўзгармайди, хавотирга ўрин йўқ. Лекин ундан у ёнига ҳароратнинг ошиши денгиз сатҳини 1 метргача кўтарди. Антарктида ва Гренландия музликларининг эриши натижасида унинг буғланиши кучаяди. Агар денгиз сатҳи 1 метрга оша (моделлар 88 сантиметр деб прогноз қилипти) қанча сув буғланади, бизнинг тоғларимизга ёмғир-қор бўлиб қайта тушади. Бу эса тоғдаги қор ва музликларнинг қўлайлишига, ҳароратнинг ошиши оқибатда музликларнинг тез эриб, уларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Табиатда ҳамма ходиса бир-бирига занжирдай боғлиқ, биттасини алоҳида ўрганиб бўлмайди. Ҳозирги фан моделлари бу ходисаларни аниқ прогноз қилолмапти. Шунинг учун «ерни сув босади, қурқоқчиликдан қўриб кетади», деган қарашларни қатъий ҳукм деб қабул қилиш ноўрин, тахликага тушишимизга ҳам асос йўқ. Бутун дунё олимлари энг аниқ модел устида бош қотирляпти. Қўлаб конвенциялар қабул қилинляпти.

— Дунё микёсидаги бу муаммони, (тан олиншдан бошқа иложимиз йўқ!) аслида, қайсидаги маънода, биз ўзимиз, инсоният ўз бошига ўзи яратгандир. Лекин олимлар ҳам қўл қовуштириб ўтирмайпти, яъни чо-

қибилнинг бўлаётган ва келажакда бўлиши мумкин ўзгаришларига боғлиқ Ўзбекистон Республикаси табиий-ресурс потенциалини баҳолашнинг барча муаммолари тўлиқ ҳал қилинмаган.

— Ҳар қандай мамлакат учун худудидан оқиб ўтувчи дарёлар тақдирини жуда муҳим масала саналади. Бугунги бундай иқлимий ўзгаришлар биз учун ҳаёт-мамот ҳисобланган дарёларимиз — Амурдари ва Сирдарёга қандай таъсир ўтказиши мумкин?

— Амурдари ва Сирдарёнинг суви 2030 йилгача ҳеч қандай ўзгармайди, хавотирга ўрин йўқ. Лекин ундан у ёнига ҳароратнинг ошиши денгиз сатҳини 1 метргача кўтарди. Антарктида ва Гренландия музликларининг эриши натижасида унинг буғланиши кучаяди. Агар денгиз сатҳи 1 метрга оша (моделлар 88 сантиметр деб прогноз қилипти) қанча сув буғланади, бизнинг тоғларимизга ёмғир-қор бўлиб қайта тушади. Бу эса тоғдаги қор ва музликларнинг қўлайлишига, ҳароратнинг ошиши оқибатда музликларнинг тез эриб, уларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Табиатда ҳамма ходиса бир-бирига занжирдай боғлиқ, биттасини алоҳида ўрганиб бўлмайди. Ҳозирги фан моделлари бу ходисаларни аниқ прогноз қилолмапти. Шунинг учун «ерни сув босади, қурқоқчиликдан қўриб кетади», деган қарашларни қатъий ҳукм деб қабул қилиш ноўрин, тахликага тушишимизга ҳам асос йўқ. Бутун дунё олимлари энг аниқ модел устида бош қотирляпти. Қўлаб конвенциялар қабул қилинляпти.

— Дунё микёсидаги бу муаммони, (тан олиншдан бошқа иложимиз йўқ!) аслида, қайсидаги маънода, биз ўзимиз, инсоният ўз бошига ўзи яратгандир. Лекин олимлар ҳам қўл қовуштириб ўтирмайпти, яъни чо-

қибилнинг бўлаётган ва келажакда бўлиши мумкин ўзгаришларига боғлиқ Ўзбекистон Республикаси табиий-ресурс потенциалини баҳолашнинг барча муаммолари тўлиқ ҳал қилинмаган.

— Ҳар қандай мамлакат учун худудидан оқиб ўтувчи дарёлар тақдирини жуда муҳим масала саналади. Бугунги бундай иқлимий ўзгаришлар биз учун ҳаёт-мамот ҳисобланган дарёларимиз — Амурдари ва Сирдарёга қандай таъсир ўтказиши мумкин?

— Амурдари ва Сирдарёнинг суви 2030 йилгача ҳеч қандай ўзгармайди, хавотирга ўрин йўқ. Лекин ундан у ёнига ҳароратнинг ошиши денгиз сатҳини 1 метргача кўтарди. Антарктида ва Гренландия музликларининг эриши натижасида унинг буғланиши кучаяди. Агар денгиз сатҳи 1 метрга оша (моделлар 88 сантиметр деб прогноз қилипти) қанча сув буғланади, бизнинг тоғларимизга ёмғир-қор бўлиб қайта тушади. Бу эса тоғдаги қор ва музликларнинг қўлайлишига, ҳароратнинг ошиши оқибатда музликларнинг тез эриб, уларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Табиатда ҳамма ходиса бир-бирига занжирдай боғлиқ, биттасини алоҳида ўрганиб бўлмайди. Ҳозирги фан моделлари бу ходисаларни аниқ прогноз қилолмапти. Шунинг учун «ерни сув босади, қурқоқчиликдан қўриб кетади», деган қарашларни қатъий ҳукм деб қабул қилиш ноўрин, тахликага тушишимизга ҳам асос йўқ. Бутун дунё олимлари энг аниқ модел устида бош қотирляпти. Қўлаб конвенциялар қабул қилинляпти.

— Дунё микёсидаги бу муаммони, (тан олиншдан бошқа иложимиз йўқ!) аслида, қайсидаги маънода, биз ўзимиз, инсоният ўз бошига ўзи яратгандир. Лекин олимлар ҳам қўл қовуштириб ўтирмайпти, яъни чо-

қибилнинг бўлаётган ва келажакда бўлиши мумкин ўзгаришларига боғлиқ Ўзбекистон Республикаси табиий-ресурс потенциалини баҳолашнинг барча муаммолари тўлиқ ҳал қилинмаган.

— Ҳар қандай мамлакат учун худудидан оқиб ўтувчи дарёлар тақдирини жуда муҳим масала саналади. Бугунги бундай иқлимий ўзгаришлар биз учун ҳаёт-мамот ҳисобланган дарёларимиз — Амурдари ва Сирдарёга қандай таъсир ўтказиши мумкин?

— Амурдари ва Сирдарёнинг суви 2030 йилгача ҳеч қандай ўзгармайди, хавотирга ўрин йўқ. Лекин ундан у ёнига ҳароратнинг ошиши денгиз сатҳини 1 метргача кўтарди. Антарктида ва Гренландия музликларининг эриши натижасида унинг буғланиши кучаяди. Агар денгиз сатҳи 1 метрга оша (моделлар 88 сантиметр деб прогноз қилипти) қанча сув буғланади, бизнинг тоғларимизга ёмғир-қор бўлиб қайта тушади. Бу эса тоғдаги қор ва музликларнинг қўлайлишига, ҳароратнинг ошиши оқибатда музликларнинг тез эриб, уларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Табиатда ҳамма ходиса бир-бирига занжирдай боғлиқ, биттасини алоҳида ўрганиб бўлмайди. Ҳозирги фан моделлари бу ходисаларни аниқ прогноз қилолмапти. Шунинг учун «ерни сув босади, қурқоқчиликдан қўриб кетади», деган қарашларни қатъий ҳукм деб қабул қилиш ноўрин, тахликага тушишимизга ҳам асос йўқ. Бутун дунё олимлари энг аниқ модел устида бош қотирляпти. Қўлаб конвенциялар қабул қилинляпти.

— Дунё микёсидаги бу муаммони, (тан олиншдан бошқа иложимиз йўқ!) аслида, қайсидаги маънода, биз ўзимиз, инсоният ўз бошига ўзи яратгандир. Лекин олимлар ҳам қўл қовуштириб ўтирмайпти, яъни чо-

қибилнинг бўлаётган ва келажакда бўлиши мумкин ўзгаришларига боғлиқ Ўзбекистон Республикаси табиий-ресурс потенциалини баҳолашнинг барча муаммолари тўлиқ ҳал қилинмаган.

— Ҳар қандай мамлакат учун худудидан оқиб ўтувчи дарёлар тақдирини жуда муҳим масала саналади. Бугунги бундай иқлимий ўзгаришлар биз учун ҳаёт-мамот ҳисобланган дарёларимиз — Амурдари ва Сирдарёга қандай таъсир ўтказиши мумкин?

— Амурдари ва Сирдарёнинг суви 2030 йилгача ҳеч қандай ўзгармайди, хавотирга ўрин йўқ. Лекин ундан у ёнига ҳароратнинг ошиши денгиз сатҳини 1 метргача кўтарди. Антарктида ва Гренландия музликларининг эриши натижасида унинг буғланиши кучаяди. Агар денгиз сатҳи 1 метрга оша (моделлар 88 сантиметр деб прогноз қилипти) қанча сув буғланади, бизнинг тоғларимизга ёмғир-қор бўлиб қайта тушади. Бу эса тоғдаги қор ва музликларнинг қўлайлишига, ҳароратнинг ошиши оқибатда музликларнинг тез эриб, уларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Табиатда ҳамма ходиса бир-бирига занжирдай боғлиқ, биттасини алоҳида ўрганиб бўлмайди. Ҳозирги фан моделлари бу ходисаларни аниқ прогноз қилолмапти. Шунинг учун «ерни сув босади, қурқоқчиликдан қўриб кетади», деган қарашларни қатъий ҳукм деб қабул қилиш ноўрин, тахликага тушишимизга ҳам асос йўқ. Бутун дунё олимлари энг аниқ модел устида бош қотирляпти. Қўлаб конвенциялар қабул қилинляпти.

— Дунё микёсидаги бу муаммони, (тан олиншдан бошқа иложимиз йўқ!) аслида, қайсидаги маънода, биз ўзимиз, инсоният ўз бошига ўзи яратгандир. Лекин олимлар ҳам қўл қовуштириб ўтирмайпти, яъни чо-

қибилнинг бўлаётган ва келажакда бўлиши мумкин ўзгаришларига боғлиқ Ўзбекистон Республикаси табиий-ресурс потенциалини баҳолашнинг барча муаммолари тўлиқ ҳал қилинмаган.

— Ҳар қандай мамлакат учун худудидан оқиб ўтувчи дарёлар тақдирини жуда муҳим масала саналади. Бугунги бундай иқлимий ўзгаришлар биз учун ҳаёт-мамот ҳисобланган дарёларимиз — Амурдари ва Сирдарёга қандай таъсир ўтказиши мумкин?

— Амурдари ва Сирдарёнинг суви 2030 йилгача ҳеч қандай ўзгармайди, хавотирга ўрин йўқ. Лекин ундан у ёнига ҳароратнинг ошиши денгиз сатҳини 1 метргача кўтарди. Антарктида ва Гренландия музликларининг эриши натижасида унинг буғланиши кучаяди. Агар денгиз сатҳи 1 метрга оша (моделлар 88 сантиметр деб прогноз қилипти) қанча сув буғланади, бизнинг тоғларимизга ёмғир-қор бўлиб қайта тушади. Бу эса тоғдаги қор ва музликларнинг қўлайлишига, ҳароратнинг ошиши оқибатда музликларнинг тез эриб, уларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Табиатда ҳамма ходиса бир-бирига занжирдай боғлиқ, биттасини алоҳида ўрганиб бўлмайди. Ҳозирги фан моделлари бу ходисаларни аниқ прогноз қилолмапти. Шунинг учун «ерни сув босади, қурқоқчиликдан қўриб кетади», деган қарашларни қатъий ҳукм деб қабул қилиш ноўрин, тахликага тушишимизга ҳам асос йўқ. Бутун дунё олимлари энг аниқ модел устида бош қотирляпти. Қўлаб конвенциялар қабул қилинляпти.

расини изляпти. Хўш, айтингчи, иқлим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш учун қандай ишлар қилинляпти?

— Ўтган асрнинг иккинчи ярмида, бутун дунёда, ер ости табиий бойликларидан хаддан ташқари кўп фойдаланилди, шу ўринда ер узида аҳолининг орбиди бориши, табиий ўрмонларни шадқатсиз қирқиш, сувдан норационал фойдаланиш, саноят корхоналарининг чиқиндилари бари-бари йиғилиб, табиат мувозанати бузилишига олиб келди.

Албатта, инсон ҳаммаша ўз хатосини тузатиш учун курашади.

Ўзбекистон Жаҳон Метеорология Ташкилоти (ЖМТ) аъзоси сифатида, бу халқаро ташкилот олдида ўзининг табиий ресурсларини, гидрометеорологик тузилишларини баҳолаш, кузатиш тармоқларини сақлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиққан, ҳам иқлим ўзгариши ва ҳам ижтимоий-сиёсий режа сабабларига боғлиқ салбий оқибатларни юмшатишга доир мажбурият олган. ЖМТ билан биргаликда ҳаракат қилиш ва гидрометеорология бўйича давлатлараро битимни ижро этишга ҳаракат қилинляпти.

Асосий илмий-тадқиқот ишларимиз халқаро микёсда олиб борилади. Мустақилликдан илгари биз буни тасаввур ҳам этолмаганмиз, ўзбек олимни энг нуфузли халқаро конференцияларда қатнашади, маъруза қилади, улар келиб бизнинг тахрибаларимизни ўрганади деб.

Ўзбекистонда чўлланиш жараёни дунёга нисбатан тезлашиб борапти. Ўзбекистоннинг 80 фоиз ерлари чўл худудидан ташкил топган. Қумларнинг кўчилиши, ерларнинг тузланиши ошяпти. Бунда Орол муаммосининг таъсири катта. Бизда чўлланиш жараёнига қарши чора-тадбирлар қўриляпти, ихота дараклари, саксувал экиляпти, йилчилик, подачилик йўлга қўйляпти. Орол муаммоси факат бизнинг муаммо эмас, келажакда бутун дунё муаммосига айланади. Халқаро ташкилотларнинг эътибори бу муаммога қаратилляпти.

Институтимиз олимлари ўтган йилнинг 25 сентябрда Республика фан ва технологиялар марказига 23 та лойиҳа топширган эди, шундан 22 таси грант олди. Давлат томонидан катта микдордаги маблаг билан таъминланди. Айтмоқчиманки, ўзбекистонлик гидролог олимлар, илмий ходимларнинг билим, тахриба, салоҳиятлари хорижликлардан кам эмас. Истеъдодли ёшлар кўп, уларни қўллаб-қувватлаймиз. Хорижий давлатлардаги мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз. Канада, Япония, Франция, Россия давлатларининг мутахассислари, қўшни Қозғоғистон, Туркманистон олимлари билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб борамиз. Чунки иқлимий, экологик муаммо ҳеч қачон бир мамлакатга тегишли бўлмайди. Муаммо ҳам, ечими ҳам умуминики, шундай экан мушта-рак бўлиб интилсақкина мақсадимизга етамиз.

**Субхатдош: Саида САЙХУН**

### Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

### «ҲАР КИШИКИ, БОШИ ОМОН БЎЛСИН...»

— дейди Тошкентдаги бош кийимлар фабрикаси илғор ишчиси Мавлуда Убаева



— Бирор жойга борсангиз, савлом-алиқдан сўнг аввал бошинизга қаради, — дейди субхатдошимиз. — Шундай кезде бош кийимингиз чиройли ва ўзингизга ярашиб турган бўлса, ҳўп-ҳўп... Акси бўлса, «бошга тузук» рогини кийинг, бош азиз...» дейиши турган гап. Шу босидан, корхонамизда азал-азалдан тикилётган телпақлар сифатида алоҳида эътибор бериб келинади. Нархи арзон, моделлари ранг-баранг. Хомашёси чидамли, иссиқ. Ниятимиз — ҳар кишики, боши омон бўлсин...

Мавлуда она бу ерда меҳнат қилаётган қўли гул чеварларнинг энг тахрибали ва моҳир телпақдўзларидан бири. Корхонада қўлдан буён ишлайди. Унлаб ёшларга устоз, мураббия...

Субхатга унинг шоғирларидан бири — Нозимахон Турсунхўжаева билан тортамаиз.


— Сиз, синглим, озгина бўлса-да, ўзингиз ишлаётган фабрика кўрсаткичларидан айта оласизми?

— Албатта, — дейди у цех деворига осилган ишлаб чиқариш рақамлари акс этган лавгага ишора қилиб. — Шу йилнинг

**Замон АЛИ**  
**Суратда:** Мавлуда Убаева шоғирди Нозимахон Турсунхўжаева билан иш устида.

**Нўзмонжон Мўхаммадҷонов**  
<

Таъриба, машаббус



# МАҲСУЛОТГА ХАРИДОР ТОПИШ МУМКИН

ҚАЧОНКИ, У СИФАТЛИ БЎЛСА

Иқтисодий ислохотлар бозор муносабатларини, бозор ва жамият тушунчаси ҳамда таъминотини олдимизга кундаланг кўймоқда. Бозорни обдон ўрганимай, жаҳон андозаси даражасидаги савдо биржалари ишнинг мукамал билмай — харидор-гир маҳсулот хусусида бош қотириш ноўрин. Брокер, бизнесмен, даллол, биржачи... Кўйинги, чин маънодаги савдогар, тадбиркор бўлишга тўғри келади. Энг нуфузли хориж хомашё биржалари — ҳоҳ Вашингтон, ҳоҳ Токио, ҳоҳ Лондон бўлсин, шубҳасиз унинг даллоли, савдогори, ишбилармонига эга.

Қадимда магрибдан машриққа қадар қўзилган, дунёнинг уч қитъасини мукамал эгаллаган «Ипак йўли» қаровон бозорининг ҳаракатдаги хомашё биржасида ҳам чапдаст даллоллар, савдогарлар бўлишган. Улар молни ҳам, мол эгасини ҳам, ҳатто харидорни мато ёки маҳсулот қайси мамлакатда бўлишигини ҳам, беш бармоқдек билишган. Хозирча айрим мамлакатлараро бозорлар биржаларга олтин, кумуш, нефть ва пахтадан ташқари пилла, қорақўл тери ёки жун каби маҳсулотлар билан қира олмаётганимиз сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Маълумки, Ўзбекистонда, хусусан, унинг Бухоро, Навоий, Хоразм ва Қорақалпоғистон минтақаларида етиштирилган «Қовурга», «Ясси», «Зармала», «Антик», «Қорақўлча» сингари кўк, қора ва сур терилар яқин-яқингача чет эллик хонимлар устида пальто, нимча, қалпоқ ва кўлоқ бўлиб товланган. Хозир ҳам Қизилқум ва Қорақум яйловларида етиштирилаётган асл қорақўл

қўларидан олинган «қорақўлча» пальтолар Париж, Лондон, Вашингтон шаҳарларида 1,5-2 минг АҚШ долларига баҳоланаяпти. Хўш, бугун олтинга баробар ана шу тиллоий, кумушранг терилар савдоси талаб даражасидами? Уларнинг харидорчилигини таъминлаб, жаҳон бозорига олиб чиқа олаётганими? Шунингдек, қорақўл кўйлари жунни четга олиб чиқиб сотиш жараёни-чи?! Бу муаммо қандай ҳал этилган?

Собиқ иттифоқ даврида-ку тери ҳам, жун ҳам арзимаган пулга олиб кетилар, ёхуд, Тошкентдаги Келес жунни қайта ишлаш, Бухоро қорақўлтерини ошлаш заводларига арзонгаровга улашларди. Энди-чи? Хозир бу ҳар икки қорхона республика қорақўлчилик хўжалиқларидан батамом қарздор. Навоий вилоятидаги 36 та қўйчилик ширкат хўжалиқлари мазкур қорхоналарга маҳсулот беришдан бунунлай безган ёки берса-да пулини ололмаётган сарсон, овора.

Нима қилиш керак? Қандай йўл тутиلسа, маҳсулотга харидор топилади? Айни кезде вилоят «Қорақўл» акциядорлик бирлашмаси ширкат хўжалиқларида 158 минг дон қорақўл тери, юзлаб тонна жун, кўплаб кўзи қоринчаси — «ширдон» бор. Бу ва бунга ўхшаш маҳсулот турларини четга олиб чиқиш, жаҳон бозорларида кўз-кўз қилиш фурсати етмадими? Нафақат қорақўл тери, кўп ҳолларда белисдан қаралаётган қўй териси ва унинг тиббиёт учун ўта эфтибрий ичаклари харидорчилигини ҳам таъминлаш вақти келди, наздимизда.

...Қалавнинг учини топиш

анча қийин кўчи. Вилоят ҳокимлиги муаммо ечимига йўл излашга киришди. «Қорақўл» бирлашмаси раиси Фазлиддин Аҳмедов чет элларда бўлди. Томди тумани ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Алмамбет Назаров таниқли фирма ва компанияларнинг раҳбарлари билан мулоқотлар ўтказди. Қонимех тумани ҳокими Саъдулла Истамов тери ва жун маҳсулотларини қайта ишлаш масаласида Тожикистон ва Туркманистон республикаларида бўлиб қайтди.

Харакатда — баракат деганларидек, иш силжиди. Қонимехда қўл жундан Хива гиламларидан асло қолишмайдиган тўқима гиламлар ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Тожикистон қўшма қорхонасига асос солинди. Унда 230 нафар маҳаллий ёш йигит-қиз ишлайдиган бўлди. Нуротада аёллар учун қорақўл терилардан ноёб пальто, нимча ва қалпоқлар тикишга киришилди.


— Чет элди, — дейди вилоят ҳокими Баҳриддин РЎЗИЕВ, — маҳсулотни сотиш учун рекламага, тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор берилди. Йирик компания ва фирмаларнинг вакиллари иштирокида вақти-вақти билан биржаларо кимшоши савдоси ўтказилади. Биз ҳам яқинда ўзимизда ишлаб чиқарилган қорақўл тери ва жун савдоси бўйича таъриба тарихисидан биринчи бор республика кимшоши савдосини ўтказдик. Келгуси йил июль ойида яна ўтказамиз ва бу тадбирни кейинчалик ҳар 2 ойда анъанага айлантирамиз. Май ойида ўтказилган кимшоши савдосида 47 минг тонна юқори навли қўй ҳари сотилди. Давлат стандартига мос, пишқик ва гул-

дорлик даражаси юқори «Қовурга», «Ясси», «Зармала» каби териларнинг ҳар бири 27 минг сўмдан 30 минг сўмгача бўлди. Эндиги йўл — жаҳон бозори...

— Маҳсулот сифати ва салмоғи ортсагина дунё бозорига рақобатлаша олади, — давом этди вилоят «Қорақўл» акциядорлик бирлашмаси раиси Фазлиддин АҲМЕДОВ. — Бунинг учун аввало Қизилқумнинг қадимги асли, зотдор қўйлари «авлод-чин» яратилиши, селекция-на-сичлик ишларини тубдан яхшилашимиз керак. Шу мақсадда минтақамизда Ўзбекистон Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий текшириш институтининг вилоят таянч бўлимини очдик. Хозир бу ерда 4 малака мутахассиси ёш олиб бораёпти. Бу йил вилоятимиз бўйича 503 минг оловикнинг ҳар юз бошидан 115 тадан кўзи олинди ва улардан 402 минг-таси ўстиришга қолдирилди. Бу — вилоятда келгусида янаям кўп қорақўл, сур терилар ва мўл-кўл жун маҳсулотлари етиштирилиши, деганидир. Бошқача айтганда, ҳар бир қорақўл қўй эртага мамлакатимизга сифати ва жилосига қараб қамиди 500-1000 долларгача валюта олиб келади...

Дароқе, маҳсулот харидорчилигини унинг сифати белгилайди. Шу маънода, Навоийда бошланган таъриба ва ташаббуси республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам қўлласса, қувватласса арзийди.

**Музаффар ШАРОПОВ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**мухбири**



— дейди Денов туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев. — Бунинг учун юксак эзгу-мақсадлар билан ҳалол меҳнат қилишимиз зарур...

Сурхон элида ким билан гурунглашсангиз, Қаҳрамон бобо ҳақида бирдек илиқ фикр билдиради. У кишининг биз билган ва билмаган хислатлари тўғрисида тўққинлаб сўзлашади. Фольклоршунос олим Тоштемур Турдиев Иброҳим ақони «Уста пахтакор, дондорг қаллакор», — деб таърифласа, «Ҷағоний» газетаси бош муҳаррири Зойир Мамажонов — «бобомиз ўзига хос иходкор инсон», — дея таърифлайди. «Қишлоқ хўжалиги, чорва ва боғдорчиликда менга ҳақиқий устоз — шу киши», — таъкидлайди Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев.

Ҳа, Иброҳимжон ака қишлоқ хўжалик соҳасида (хисобчи, бригадир, зироатчи... бўлиб) меҳнат қилганига 50 йилдан ошди. Соғлар қордек оқарган раиснинг сунги меҳнатда қоти. Истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ у бошлиқ хўжаликда барча хонадонларга табиий газ келди. Тоза ичимлик суви муаммоси ҳал бўлди. Қишлоқ, овул, маҳалла кўчалари асфальтланди. Шарқ меъморчилиги услубида «Оталар чойхонаси» ишга тушди. Янги, замонавий мактаб, шифо маскани, гузар ва стадионлар бунёд этилди... Ўтган йили хўжалик миришкорлари 800 миллион сўм даромад қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич — 1 миллиард 200 миллион сўмдан ошди.

# ЖАҲОН БИЛСИН, КИМЛИГИМИЗНИ!

Мустақиллик йиллари Иброҳим ака Россиянинг Краснотар хўжалик фақлининг «Крошка», «Княжная», «Половчанка», «Уманка» ва бошқа навларини ўзи бориб олиб келди. Синовдан ўтган мазкур уруғлардан маҳаллий шартда ҳам юқори ҳосил олинди. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан галла етиштирилган бўлса, бу йил 80 центнерга етди. Оилавий пудрат ва ширкатчилар 100-110 центнергача хирмон уйишди. Эл омбори донга тўлди.

Эзгу мақсад йўлида тиниб-тинчимас раис яқинда яна бир хайри ишни бошлади. Мева ва сабзавотдан шарбат ҳамда қиём тайёрлайдиган завод қуришни режалаштириб, Германияда бўлиб қайтди. Россиянинг «Руби-С» фирмаси билан ҳамкорликда «Россия-Ўзбекистон» қўшма қорхонасини ташкил этди. Зарур хизматлари Германиянинг «Вестфалия Сепаратор АГ» фирмаси тайёрлаб берадиган бўлди. 4-4,5 миллион евро микдорда қурилиши кўзда тутилган завод на-сиб этса келгуси йил ишга туширилиши кўзда тутилмоқда. У бир кеча-кундузда 240 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Иқлимни иссиқ воҳода бундай қорхона қурилиши аини мудоа: мева, сабзавот ва полз маҳсулотларидан табиий шарбатлар ишлаб чиқари-

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

лади, қишлоқ ёшлари иш билан таъминланади. Дастлабки йилнинг ўзидеёқ 1 миллион евро фойда олиш мўлжалланмоқда.

**Абдуолим БҮРИЕВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгашининг биринчи котиби:**

— Хар йили истиклол байрами арафасида Иброҳим ака хўжалигида шахмат-шашка мусобақалари ўтказамиз. Дастлабки йилларда спортчилар асосан вилоятлардан келишган бўлса, ҳозир қўшни республикаларнинг шахмат-шашка ихлосмандларидан ҳам тақдирлар тушаёпти.

Хозир хўжаликда спортнинг бошқа турлари бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида янги мусобақалар режалаштириляпти.

...Бугина эмас. Шу йил янги ўқув йили арафасида ҳокимликда бўлиб ўтган йилгиликда Иброҳим ака хўжалиги жамоаси туманимизнинг кўплаб таърибали мураббий ва ўқитувчиларига совға тари-да гиламлар, қимматбаҳо совға-саломлар тузилди.

Яна бир гап: биласиз, Президентимиз Фармони билан республикада қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш йўлида жойларда кенгашлар тузилди. Республика Вазирил Маҳкамасининг қарори билан Иброҳим ака «Пахтачиликни ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш кенгаши раиси» этиб тас-

диқланди. Кенгаш таркибига пахтачилик билан шуғулланаётган илмий текшириш институтларининг мутахассислари, етакчи олимлар киритилди. Мақсад битта — мамлакатимизда пахтанинг серҳосил, эр-тапиш навларини яратиш!

— Истиклол барчамиз учун бекиёс бахт, бекиёс имкон, — дейди Иброҳим ака биз билан суҳбатда: — Шундай экан, жаҳон билсин бизнинг кимлигимизни!

Президентимиз шу йил Сурхондарё вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида шундай сўзлар бор: «Бугунги ютуққа муносиб ҳисса қўшган Денов, Сарисоев, Жарқўрган ва Шўрчи, Термиз ва Кумқўрган туманлари пахтакорларига, Сурхон воҳаси деҳқончилик мактабининг қадимий шўхратини тиклаш йўлида кечани-кеча, кундузни-кундуз демай тинимсиз меҳнат қилётган деҳқон ва фермерлар, ширкат хўжалиқлари аъзолари, механизатор ва мутахассисларга, бутун вилоят аҳлига ҳар қанча таҳсин айтсак арзийди».

Бу таҳсин Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаевга ҳам бевосита тегишли, албатта.

**Абдуолим ҲАЙДАРОВ,**  
**Эркин ХОЛБОБОВ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**мухбирлари**

## ЛОЯ ЖИРГА БЎЛИБ ЎТДИ

Аввал уч марта қолдирилган Лоя жирга (халқ депутатлари мажлиси) бошқаруви яқинда кунни Афғонистоннинг Қобул шаҳрида ўтказилди.

Мамлакат Конституциясининг янги лойиҳаси муҳокамага қўйилган мазкур йилгилини аввал октябрда ўтказиш режалаштирилган. Сўнг у 10 декабрда, ундан кейин 13 декабрда белгиланди. Тақлиф этилган хорижий меҳмонлар етиб келмаганлиги ва тайёргарлик юмушлари охирига етказилмаганлиги боис яқиндагина — 14 декабрда қўчирилди.

500 нафар депутат Афғонистон Конституциясининг янги лойиҳасини муҳокама этди. У қўл тортишувларга сабаб бўлди.

Шу пайтгача мамлакат 1964 йилда, Зоҳир Шоҳ пайтида қабул қилинган ва айрим ўзгаришлар киритилган эски Конституция бўйича яшади.

Янги Конституция эса бўлажак Афғонистон давлатини қуриш учун ва келгуси йил июнда Президент сайловини ўтказиш учун қонуний база яратди. Унга кўра, мамлакатда президентлик бошқаруви ва икки палатали парламент жорий этилади.

Қузатувчиларнинг фикрича, Лоя жирганин кўпчилик депутатлари бош вазирлик лавозими давлат бошқаруvidан олиб ташланганлигига қарши. Президентга жуда катта ҳуқуқлар берилганлиги боис парламент роли пайсаяйини таъкидлашди.

Ўз ўрнида Афғонистон ўттиш даври раҳбари Хамид Карзай агар янги Конституция Лоя жиргада тасдиқланмаса 2004 йил июнда бўладиган Президент сайловига ўз номзодини қўймаслигини билдирди.

## ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ЖАРИМА

АҚШ Президенти Жорж Буш шаба кунни Сурияга қарши иқтисодий ва сиёсий жарима қўллаш борасидаги ҳужжатга қўл қўйди. Мазкур ҳужжат лойиҳаси ноябрь ойида Конгресс тасдиғидан ўтган.

Reuters берган хабарга кўра, ушбу ҳужжат Америка инвестициясини Сурияга жалб этишни қисқартириш ва маҳсулот экспортини камайитишни кўзда тутди. Бундан ташқари, Американинг Дамашқдаги дипломатия вакиллари қисқартрилишини, шунингдек, АҚШ ҳудудидаги Сурия дипломатлари фаолияти чекланишини ҳам қамраб олади.

## ВАЗИРЛАР ИСТЕҒОСИНИ ТАЛАБ ҚИЛДИ

Теру Президенти Александро Толедо Вазирлар Маҳкамаси таркиби ва шунингдек, бош вазир Беатрис Меринонинг истеғоғи қиқшини талаб қилмоқда. Давлат саройи баёнотида бу ҳақда маълум қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси қайта шакллантирилишини Толедо яқин кунларда эълон қилди, дейилади Reuters ахборотига. Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг янги таркибига кимларни киритиш борасида Толедо ва Мерино ўртасида келишмовчиликлар мавжуд.

## ОЙДА ФАЗОВИЙ БАЗА

АҚШ Президенти Жорж Буш 17 декабрь кунни фазовий парвозлар қайта тикланишини эълон қилди ва шу кунни коинотни забт этиш ишларини жонлантириш ҳақида маъруза ўқийди. Жумладан, Ойга учини ташкил этиш ва Ойда Американинг доимий фазовий базасини қуриш мўлжалланмоқда.

Маълумки, шу йил 1 февраль кунни Columbia фазовий кемаси ерга қайтиб тушаётиб портлаб қетган, натижада экипаж аъзоларининг барчаси (7 нафар астронавт) ҳалок бўлган эди. Ушундан бери коинотга парвозлар тўхтаб қолганди, дейилади National Review ахборотига.

## ЭФИРНИНГ ЯНГИЧА УСУЛИ

Токиода Япония телекўрсатувларини эфирга узатишнинг рақамли усули тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур янгиликни молиялашши ҳуқумат ўз бўйига олди.

Телекўрсатувларни эфирга узатишнинг рақамли усули ҳозирча Токио, Нагоя ва Осака шаҳарларида жорий этилади. 2005 йилга бориб эса мамлакат бўйлаб тарқалади.

2011 йилдан эътиборан, мамлакатда эфирга узатишнинг одатдаги эски усулидан умуман воз кечилади.

The Nihon Keizai Shimbun тарқатган ахборотда айтилишича, ҳозир Японияда рақамли эфирни қабул қила оладиган телевизорлардан 300 мингта бор, холос. Саккиз йилда эса бундай телевизорларни ишлаб чиқариш 100 миллионга етказилади.

## ЕВРОПА ИТТИҒОҚИ:

# ХИЛМА-ХИЛ ҚАРАШЛАР ТЎҚНАШУВИ

равишда тинчлик йўлида харбий ақциялар ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари BBC News хабар беришича, саммит иштирокчилари Европа ҳамжамияти иқтисодиётини молиялашга 62 миллиард евро ажратиш борасида ҳам бир фикрга келдилар. Бунда транспорт инфраструктурасини ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини янада ривожлантиришга асосий эътибор қаратилади.

Жумладан, Европа Иттифоқи давлатларида тез юрувчи поездлар учун бир неча темир йўл тизимлари, ер ости йўллари, кўприклар, электр ва газ узатиш тармоқлари, шиша толали алоқалар тизимини қуриб, ишга тушириш кўзда тутилган. Шунингдек, транспортлар учун муқобил ёнилғилар яратиш ва бошқа лойиҳалар учун ҳам маблағ ажратилади.

Барча воситалар ЕИга аъзо давлатлар бюджетидан ҳамда ЕИнинг умумий бюджетидан ажратилади, шунингдек, Европа инвестиция банки заёмлари ҳисобига ҳам қопла-

нади.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Европа ҳамжамияти иқтисодиётини молиялаш учун аввалгига 220 мил-



лиард евро ажратиш тақлиф этилган эди. Бироқ, бу борадаги тортишувлар, бахс-мунозаралардан сўнг уни 62 миллиардга тушириш ҳақида келишиб олинди. Бахс-мунозаралар фақат бу мавзудагина авж олгани йўқ. Саммит кун тартибининг асосида турган

ниши режалаштирилган бўлишига қарамай қабул қилинмади. Франциянинг собиқ Президенти Вальери Жискар д'Эстен бошчилигида ишлаб чиқилган мазкур Конституция ЕИнинг «эски» ва «янги», жами 25 аъзоси томонидан

## Шарҳ

Конституция бу тартибни мамлакатлар аҳоли сонига қараб ўзгаришишни назарда тутди.

Аслида 2000 йилдаги Ницца саммитида Испания ва Польша сингари «ўртача» давлатлар ҳам Европарламентда «кучли» давлатлар билан тенг овозга эга бўлишини таъминлашга қарор қилинган эди. Бироқ, кейинчалик бу масалада фикрлар ўзгарди ва ЕИни кенгайтириш бўйича асосий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиниши шу «кучли» давлатлар ўзларида сақлаб қолавердилар. Ва бу янги Конституцияда ҳам ўз аксини топди. Шунинг учун унинг қабул қилинишига Испания ва Польша «тиш-тирноғи билан» қарши чиқди ва натижада у қабул қилинмади.

ИТАР-ТАСС берган ахборотда ёзилишича, мазкур масала бўйича кейинги уриниш келгуси йил майда кун тартибига қўйилиши мумкин.

Қисқаси, ЕИ Кенгашига раислик қилувчи Сильвие Берлусконни саммит қатнашчиларига овоз бериш тартибининг «эски қолип»да қолдириш тақдирини ўртага ташлагани саммитда авж олган тортишув бахс-мунозаралар сабаб қизшиган кўнгилга бир оз бўлса-да, таскин берди.

**Алимқул СУЛТОН**

## Таърилот

# САДДАМ ҲУСАЙН ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Тўте журналининг Интернетдаги сайтида маълум қилишларича, Ироқнинг собиқ диктатори Садам Хусайн шаба кунни кечқурун АҚШнинг махсус гуруҳи томонидан қўлга олинган.

Авалло шунини айтиш лозимки, ушбу Task Force 121 махсус гуруҳи Ироқнинг собиқ Президентини, «Ал-Қоида» ташкилоти раҳбари Усама бин Лодинни ҳамда Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати етакчиларини топиш ва қўлга олиш мақсадида тузилган.

Махсус жанговар гуруҳ АҚШнинг 4-мотоўқчи дивизиеси қўллаб-қувватлови остида Садам Хусайн туғилган шаҳар — Тикритдан 15 километр жанубдаги Ад-Даур аҳоли пунктини текширувдан ўтказдилар. Биринчи текширув ҳеч қандай натижа бермади. Бироқ, шу ерда ашовчи бир киши Хусайн аширининг ертўлини кўрсатди.

Махсус хизмат вакилининг айтишича, харбийлар ертўланинг деворидан тўнқич оқишга мажбур бўлганлар. Садам дарбадарсифат алфозда эди.

У билан бирга икки ироқлик ҳам қўлга олинган (ҳозирча уларнинг кимлиги номаълум), шунингдек, пистолет, 2 та Калашников автомоти ва бошқа айрим нарсалар ҳам топилган.

Садам шахсини аниқлаш жараёнида Ироқнинг собиқ бош вазир Уринбосари, бир неча ойдан бунён қамқоқда сақланаётган Тарик Азиз қатнашди ва у Садам Хусайн шахсини тасдиқлади.

Ироқнинг ўттиш ҳуқумати бошлиги Абдул Азиз Ал-Ҳакимнинг сўзларига қараганда, ДНК текширувлари ҳам унинг шахсини тасдиқлаган.

Диктатор қўлга олинган, тиббий қўриқдан ўтказилди: у соғлом.

АҚШнинг Ироқдаги маъмурияти раҳбари Пол Бремер яқинда кунни Бағдодда матбуот анжумани ўтказиб, Садам Хусайнни қўлга олиш жараёни ёзилган видеозўнани журналистларга намойиш этди. Энди диктатор Ироқда одил суд томонидан суд қилиниши АҚШ давлат департаментини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, ўтган ҳафта чоршанба кунни Ироқда Садам Хусайн тузуми даврида шерик лавозимларда хизмат қилиб, диктаторнинг жиноятларига шерик бўлганлари суд қилиш учун махсус трибунал ташкил этилди. Ироқ ҳуқумати Кенгаш аъзоларининг таъкидлашларича, диктатор устидан суд халқ орасида, очик ўтказилади. «Бунинг учун бизда судьялар ҳам, прокурорлар ҳам етарли, — деди ҳуқумат Кенгаш аъзоси Маҳмуд Отман. — Ироқликларни фақат ироқликлар суд қилиши лозим».

Бироқ, халқаро экспертлар бу борада бошқача фикрдалар. Хусусан, Делавэр штатининг сенатор-демократи Жозеф Байден «суд жараёнини профессионал даражада, халқаро ҳамжамият аралашуви остида ўтказиш» тарафдори. Бунинг учун эса БМТнинг Халқаро жиноятлар ишлари суди ёрдамга келиши керак.

Аммо, мазкур суд Садам Хусайн ишига аралашолмайди. Негаки, 2002 йил 1 июлдан кейин содир этилган жиноятлар юзасидан иш олиб бориш унинг ваколатига кирди. Бундан ташқари, на АҚШ ва на Ироқ бу битимга имзо чекканлар.


Халқаро Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти (Human Rights Watch) томонидан тақдим этилган маълумотларга қараганда, Садам Хусайн ўзининг 34 йиллик раҳбарлиги давомида харбий жиноятларга, геноцидга, зўрлашларга, одам ўғирлашга ва оммавий қатл-га аралашган. 1988 йили Хусайн буйруғига кўра 100 минг курд йўқ қилинган. 290 минг киши дом-дараксиз йўқолган.

Шунинг учун ҳам Садам Хусайннинг қўлга олинганлигини нафақат Ироқ халқи, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам қутламоқда.

**Интернет хабарлари асосида**  
**Алимбек ТОШБЕК** тайёрлади.

Болалар спорти

Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганидан сўнг, Қашқадарёда ҳам болаларнинг jismoniy тарбия билан шугулланиши учун кулай шароитларга эга бўлган спорт иншоотлари қурилишига катта эътибор қаратилди.



Муборак туманидаги «Машъал» футбол клубига қарашли Абдикарим Йўлбарисов номли Ёшлар спорти мажмуаси ҳам ана шундай хайрли ишларнинг ҳосиласи сифатида бунёд этилди.

Бугунги кунда мажмуаимизда 300 нафарга яқин ўғил-қиз спортнинг миллий кураш, футбол, теннис, бокс, дзюдо, оғир атлетика, баскетбол каби турлари билан мунтазам шугулланмоқдалар.

Суратларда: ёш теннисчилар Наргиза Жўраева, Гавҳар Норқулова; мажмуанинг умумий кўриниши; мураббий Давлат Мухаммадиев шогирдлари бокс сирларидан сабоқ бермоқда. Абдураҳмон ПАРДА олган суратлар

«Обуна — 2004»

«МУЛОҚОТ» — МАЪРИФАТ ДАЪВАТКОРИ

Халқимиз ўтмиши ва бугуни билан қизиқадиган ҳар бир змиёни «Мулоқот»дан ўзини керакли маълумотларни олиши мумкин.

Журнал янги йилда миллий гоёмизини амалий жиҳатдан бойитишда «Қадрият», «Шарқнинг буюк муҳаддислари», «Маърифат бўлоғи», «Шарқ илми хазинасида», «Мозий-га сафар», «Тарих ва тақдир», «Умри узун удумлар» сингари руҳларда доимий равишда мақолалар бериб боришни мўлжалламоқда.

Янги йилдан «Мулоқот» ҳазрат Алишер Навоийнинг қирқ ҳадисга ёзган шеърый гулдастаси — «Арабистоннинг эълон қила бошлайди. Шунингдек, мутафаккир Абдулло Аволонийнинг «Туркий Гулистон ёки ахлоқ» асари, «Одоб гулдастаси» дея номланган рўқнда жазон мутафаккирлари ва алломаларнинг ахлоқ борасидаги дурдоналари эълон қилинади.

Янги йилда тахририят муштарийларга иқтисодий ва маъмулий, миллий гоёмизини барқарорлаштириш, миллий бағрикенглик ва тараққиёт, таълим ва келажак мазмуларини кўлаб қизиқарили мақолалар тайёрлаб қўйган.

Бу мақолалар шубҳасиз, ҳар бир инсоннинг тафаккур оламини бойитиши, ўзига яраша қўлқўлашда ва қўлқўлашда эзгулик маънасидаги ёқад, балки хонадонингизга пойдор тилка ва мақсадлар ҳам олиб қиради. Фақат унга обуна бўлишни унутманг...

Рашид РАУПОВ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги олдидан

...Кўнгирак туғмасини босдим. Эшикни домланинг невараси Отабек очди. Изидан келинонимиз — Марям ая ҳам кўридилар.

— Келинг, — дедилар у киши очкич чеҳра билан. — Домланинг сизни кўтиб тургандилар. — Ҳой, ҳадаси, қаранг, меҳмон келди...

— Ие, келинг-келинг, хуш келбиз. — Домла қўлимдан тутганча ичкари уй — меҳмонхонага бошладилар ва электр чироқни ўқиб, столга тақлиф қилдилар.

— Ичкари ўзи шундай ҳам ёруғ экан, — дедим разм солиб. — Саҳ қоронғу бўлса ҳам яхши кўролмайман, Сизни пайқанганча кўриб ўлтирай-да, — дедилар кулиб.

Мубин Баратов деган файласуф олимни гарчи илгарини кўп эшитган бўлсамда, биринчи бор кўришим эди. Тўғриси, бундай инсонлар сирдан билган одам ташқаридан турар-жундай «қабобдоба» асосини ўзинча талқин қилади. Аммо домланинг турши-турмуши одмигина экан...

ЙИЛЛАР АРО ЙЎЛЛАР

Мубин Баратов 1933 йилда Нуротда туғилган... Болалиги қийинчилик билан ўтди: 3 ёшида онасидан, 3,5 ёшида отасидан ажралди... Момоси қўлида тарбияланди. Йўқчилик, тақчиллик ёш Мубиннинг болалигига ая солиди.

Билмиллиги боис, 10 синфни олтин медал билан тугатди. Бундан қаттиқ таъсирланди. Чунки шу вақтгача у ўқиган ўрта мактабни бирорта ўқувчи медал билан тугалламаганди.

Кейин эса 1951 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқшунослик факультетига ўқишга кирди. Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтиде аспирант, илмий ходим, бўлим мудир, директор сифатида фаолият кўрсатди.

Мубин Баратов чўқур ўйга толди. Ҳаёлида хотира уйғонди, хотира жонланди. — Хотирамда чўқур из қолдирган ёд, бу — устозлар меҳри, — дейди у. — Болалигимдан етим қолганлигим боисми, меҳрага зор, ташна эдим.

КЎНГИЛДАГИ НУР



институт директори вазиқларидан, жами 20 йилдан зиёд давр мобайнида, турли раҳбарлик лавозимларида самарали ишлаган. Ўзбекистон ФА академияси (2000 й.), фалсафа фанлари доктори, профессор...

«Одамзодга меҳр КЕРАК ЭКАН...» дейди Мубин ака... Юқорида Иброҳим Мўминов беназир устоз эди, дедим. Президентимиз Исроҳим ака Каримов дунёдан ўтиб кетган кўпчилик фан арбоблари, илм пешволарининг руҳи олдидаги ҳурматини баҳо келтириб, уларни муқофотлар билан тақдирлаётимиз.

«ОИЛАВИЙ ИЛМ ТОЛИБЛАРИ» «Дунё жаҳоҳири илмдир», деган иборани эшитдим Мубин Баратовдан. Кейин йилани қолдим: наҳотки, илмчилик кадрли хилқат бўлмас ба ёруғ оламда? Йўқ! Нисбийлик назариясидан тортиб, қўйинги, табиатдаги барча воқеа, ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини аниқлаб, ҳулоса ясагучи — Илмдир, шак-шубҳасиз!

фанлари, бири эса ҳуқуқ фанлари номзоди. Яна бирови иқтисод фанидан илмий иш қилган бўлса, бирови микробиолог... Турмуш ўртоқлари Марям аямиз эса иқтисод фанлари номзоди. Ҳатто ҳозир ҳам университетда доцент бўлиб ишламоқдалар.

«ОДАМЗОДГА МЕҲР КЕРАК ЭКАН...» дейди Мубин ака... Юқорида Иброҳим Мўминов беназир устоз эди, дедим. Президентимиз Исроҳим ака Каримов дунёдан ўтиб кетган кўпчилик фан арбоблари, илм пешволарининг руҳи олдидаги ҳурматини баҳо келтириб, уларни муқофотлар билан тақдирлаётимиз.

«ОДАМЗОДГА МЕҲР КЕРАК ЭКАН...» дейди Мубин ака... Юқорида Иброҳим Мўминов беназир устоз эди, дедим. Президентимиз Исроҳим ака Каримов дунёдан ўтиб кетган кўпчилик фан арбоблари, илм пешволарининг руҳи олдидаги ҳурматини баҳо келтириб, уларни муқофотлар билан тақдирлаётимиз.

КИМ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛАДИ?

Бирлашган Араб амирликларида футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтаётган жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда.

Мутахассисларнинг эътирофига, Америка қитъасида футбол айни гуриқраган, Осиёда эса ривожланиш палласига кирган. Бунини мусобақанинг чорак финалига Европандан фақат Испания ёшлар терма жамоаси йўлланма олганлигидан ҳам билиб ола бўлади.



Гуруҳ баҳсларида ҳамюртларимизни катта қийинчиликлар билан мағлуб этган Аргентина ҳамда Испания ёшлар терма жамоалари навбатдаги босқичга йўлланма олишди. Чорак финалда аргентиналиклар АҚШ, испанияликлар эса Канада футболчиларига қарши майдонга чиқдилар.

Кеча кечқурун жаҳон чемпионатининг ярим финал баҳслари ўтказилди. Унда Аргентина — Бразилия, Колумбия — Испания ёшлар терма жамоалари мусобақа финалчиларини аниқлаб бериш учун майдонга чиқиди.

Жаҳон чемпиони номи 19 декабрь куни маълум бўлади. Эркин РАЖАБОВ

Футбол

РАҚИБЛАРИМИЗ АНИҚ

Германиянинг Франкфурт шаҳрида 2006 йилги жаҳон чемпионати саралаш ўйинларига қўрға ташланди. Унга қўра, қитъамизнинг 32 та терма жамоаси тўрттадан саккиз гуруҳга бўлинди. Мусобақа низомига мувофиқ, бу гуруҳларнинг энг кучли саккиз жамоаси кейинги босқичга йўлланма олади.



Хал қилувчи босқичда эса бу жамоалар тўрттадан «А» ва «В» гуруҳларига бўлинди, баҳсларни давом эттиришди. Мазкур гуруҳлардаги дастлабки икки ўрин соҳиблари Германияда ўтаётган жаҳон чемпионати финал босқичига йўлланма ола, учинчи ўрин эгалари Шимолий Американинг кучли тўрттинчи жамоаси билан плей-офф баҳсида қатнашади.

Қўрғага қўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш ўйинларининг дастлабки босқичида иккинчи гуруҳдан жой олди. Ҳамюртларимиз қитъамизнинг кучли саккиз жамоаси қаторига кириш учун гуруҳда Ироқ, Фаластин, Хитой Тайпейи футболчилари билан баҳс юритишади.

Қўйда ўйинлар таквими билан танишинг:

2004 йил, февраль-ноябрь. 18 февраль. Ўзбекистон — Ироқ 31 март. Хитой Тайпейи — Ўзбекистон 9 июнь. Ўзбекистон — Фаластин 4 сентябрь. Фаластин — Ўзбекистон 9 октябрь. Ироқ — Ўзбекистон 17 ноябрь. Ўзбекистон — Хитой Тайпейи

МЕН ЯШАЁТГАН МАҲАЛЛА

Яқунлаётган «Обод маҳалла йили»га ҳамоҳанг тарзда Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Маҳалладан бошланар Ватан» мавзусидаги суратлар кўргазмасининг тантанали ёпилиши ҳамда пойтахтимизда ўтказилган «Мен яшаётган маҳалла» халқаро суратлар танлови голиябларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу халқаро танловнинг ташкилотчилари Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент Фото ўйи, «Ўзтеперадерадиокомпания» ҳисобланади.

Халқаро танлов натижаларига қўра, ўзбекистонлик Виктор АН «Болалигим қўчалари» суратлар серияси учун биринчи ўрин, иккинчи-учинчи ўринларини эса германиялик Юрден Маши ва молдовалик Петру Казакулар эгалашди.

Масъумжон ПАРПИЕВ

Ҳикматли сўзлар маъноси

ҚУРАШ БИЛМАГАН ОТАСINI ЙИҚИТАР Хали қураш тушишни билмайдиган кичкина бола отасига ёпишиб, «Мен сизни йиқитаман» деб, болалик мактабини қилади. Шунда ота ҳам ёлғондакам йиқилиб беради. Мақолда шу ҳолатида ёзилган. Ҳаётда, тиркичиликда йигит: «Тиркичилик йўлини, рўзгор ишини ўргандим, билдим, уста бўлдим, отамдан ҳам ўтиб кетдим», деб ўзинча фахрланса ҳам барибир ҳали отадек тахрибақор, тадбирили бўлганича йўқ.

КЎЗБЎЯМАЧИ ТУЛКИ БЎЛАР, ЭЛ ИЧИДА КУЛКИ БЎЛАР Бу билан: «Тулки сингари айёр, муғомбир, кўзбўямачи одамнинг ахири бир кун алдам-қалдам ишлари фоти бўлиб, эл-юрт ўртасида шармандаси чиқиб, кулги бўлади», дейилмоқчи. «Тилғламачи нима-ю, кўзбўямачи нима?» («Хар иккаласи ҳам ўз манфаати йўлида кишиларни алдаш, авраш билан шугулланади, улардан бир нима ундириш пайида бўлади. Уларнинг бир-биридан фарқи йўқ», дейилмоқчи). «Кўзбўямачидан қў юм» (Бу мақол билан: «Кўзи шамғалат қилиб, қалғитиб, алдаб, панд берувчи, зиён-захмат келтирувчи одамдан ўзингни сақла», деб эҳтиёткорликка ундайдилар).

КЎТГАНГА — КҮН УЗОҚ

Бировни ё бир нимани кўтган одамга кун ниҳоятда узайиб кетгандек, вақт имиллаб ўтаётгандек туюлади. Аслида эса куннинг, вақтнинг ўтиши кўтганга ҳам, кўтмаганга ҳам бир хил бўлади. «Тикилган қўзон қайнамас»; «Кўтганининг вақти ўтмас, Шошганининг иши битмас»; «Кўтган — ўлгандан ёмон».

«ВАНО» МАСЪУЛАТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ БАҲОЛАШ ТУРИ БЎЙИЧА ҚЎЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРАДИ:

- 1. Асосий востанларни қайта баҳолаш. 2. Кўрмас мулкни баҳолаш. 3. Транспорт востанларини баҳолаш. 4. Асбоб-ускуналарни баҳолаш. 1) МҲҲ, сотиш учун; 2) даров учун; 3) илмий жағғарма фонди учун баҳолаш турларини бажаради. Лицензия № RR 38-015

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта ўқувчиси, филология фанлари номзоди Тўрбон Ирисбоевга падали бузуқворчи ТҲИЧИ отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия илҳор қиламиз. Бир гуруҳ дўстлари

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV. TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Abdulhafiz JALOLOV, Azimjon AYUPOV, Aziz NOSIROV, Ashur GODOV, Nobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV, Alimqul SULTONOV, Andrey OROV, Nomoz SA'DULLAYEV, Rahima HAKIMOVA, To'lepbergen QAIPBERGENOV, Abdug'ani MAMASOIQOV.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI. BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar.

VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda.

MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Naviyachi: Shehoydar MIRHABIBOV. Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta «O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot O'rtasida»ning raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. 7619 nusxada bosildi.